

## **“МОМОҚЎШИҚ” ҚИССАСИДА КУЙЛАНГАН ИТОАТЛИ АЁЛ ОБРАЗИ**

**Нурафшон Олимжон қизи ОРИПОВА**

таянч докторант

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

[nurafshonoripova@gmail.com](mailto:nurafshonoripova@gmail.com)

### **Аннотация**

Мақолада замонавий ўзбек адабиётида итоатли аёл образи Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссасида тасвирланган итоатли ва ўз қадриятларига содиқ аёл образи орқали таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** итоат мавзуси, аёл образи, характер, мотив, миллийлик, Назар Эшонкул, қўшиқ, қисса.

## **ПОКОРНОСТЬ ЖЕНЩИНЫ, ВОСПЕТОЕ В ПОВЕСТИ “МОМОКУШИК”**

**Нурафшон Олимжон кизи ОРИПОВА**

базовый докторант

Ташкентский университет узбекского языка

и литературы имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

[nurafshonoripova@gmail.com](mailto:nurafshonoripova@gmail.com)

### **Аннотация**

В статье говорится о раскрытии образа покорной женщины в современной узбекской литературе. На основе анализа рассказа писателя «Момокушик» описывается характер послушной и верной своим ценностям женщины, описанный в узбекской литературе.

**Ключевые слова:** тема покорности, образ женщины, характер, мотив, присущее национальности, Назар Эшонкул, песня, повесть.

«Уруш одамлари»даги катта келин, “Момоқўшиқ” қиссасидаги Муаззам мен учун жуда яқин, бир-бирини тўлдирадигандек. Кейинчалик бу асарда топилмаган нарсани Байна момо образида топдим” дейди адиб суҳбатларнинг бирида. У «Момоқўшиқ» қиссасини айнан «Шамолни тутиб бўлмади» ҳикоясининг муқаддимаси бўлиши керак эди дейди. Назар Эшонқулнинг «Момоқўшиқ» қиссасида қишлоқ аҳлининг ҳаёти тасвирланиши билан бир қаторда ана шу қишлоқ аҳли аёлининг яшаш тарзи, ўзларини тутишлари, ҳаётга бўлган қизиқишлари, оилага садоқати, эрига муҳаббати Отакул биргадирнинг хотини Муаззам образи орқали ёритиб

берилган. Муаззам ўз ҳаётидан мамнун, бахтли ва ўз умр йўлдошини севадиган, уни ҳурмат қиладиган, оиласи учун ҳар ишга тайёр содда қишлоқ аёли. Муаззам эндигина йигирма бирга кирган, муаллимлар билим юртини тугатган, лекин фарзандини тарбиялаш, уй юмушларини бажариш, айниқса турмуш ўртоғи Отақулни совхознинг чеккасига бригадир қилиб тайинлаганликлари учун ҳам фарзандини қайнанасига қолдириб, кўримсиз чайлада яшар эди. У бир оз мустарликка мойил, таъсирчан, анча зийрак келинчак эди. Отақул ҳафталаб уйга бормай, шийпонда ётиб қолавергач, иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш учун у мактабда дарс бериш истагини ҳам ташлаб, мана шу чайлага кўчиб келган эди. Бу йил боласи уч яшар бўлиб қолгани туфайли уни қишлоққа, қайнонасининг қўлига ташлаб келган, ўзи эса эри билан беш ойдан бери далада эди.

Асарда барча воқеалар қишлоққа ҳашарчиларнинг келиши билан бошланади. Қишлоқ аҳли ҳашарчиларга жой ҳозирлаш билан овора. Чунки келаётган ҳашарчилар оддий одамлар эмас улар, маданият ходимлари шахри азимдан келаётган нозиктаъб меҳмонлар.

Шаҳардан келган Шамси Салоҳ Отақул бригадирнинг хотини Муаззамни шаҳарда яшашга, овозидан фойдаланишга, яхши яшашга даъват қилади. Лекин Муаззам образи Назар Эшонкул томонидан шундай яратилганки, аёлнинг ўз оиласига, эрига вафодорлиги, самимийлиги, соддалиги, меҳрибонлиги Шамси Салоҳдек тунд, бироз олифта, бироз кибрлироқ, ҳашамли ва жилвали нарсаларни севувчи, нафис ташбеҳларга устаси фаранг кишини ҳам лол қолдирди.

Муаззам образи, аслида, миллий қадриятларни сақлаб, давом эттирган, маънавий гўзаллик тимсоли. Айнан шу образдаги ёзувчи тугата олмаган хулоса «Уруш одамлари» қиссасида янада тўлиқроқ берилади. Бу образнинг давомчиси Бийди момонинг бўш-баёв, ўғирлаб келинган ва эрига содиқ катта келини эди. Ёзувчи адабий-эстетик қарашларининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этувчи ички маданият асар моҳиятига сингиб кетади. Асарда китобхон асл маданиятни «ҳашарчилар»да эмас,

гўзаллик, инсонийлик, вафодорликни беғубор қалб соҳибаси қишлоқлик Муаззам образи мисолида кўради. Асар ана шундай инсоний улуғворликни, юксак маънавий баркамолликни улуғлайди. Назар Эшонқулнинг ҳар бир асарида аёл образи мавжуд. Таъкидлаш мумкинки, адибнинг қиссаларида содда ва самимий қишлоқ ҳаёти, тўпори қишлоқ одамларининг инжа туйғулари акс этган. Унинг ҳикояларидан фарқли ўлароқ қиссаларида қаҳрамонлар кечинмалари ва образларнинг ўзаро муносабатлари кенгроқ ва теранроқ очиб берилган. Қиссаларда шакл ва мазмун муносиблигига тўла амал қилинган деб айтиш мумкин. Қаҳрамонлар ҳис-туйғулари бўрттириб, жилолантириб ифодаланиши унинг таъсир доирасини орттиради, қаламга олинаётган ҳиссиётнинг узлуксизлигини таъминлайди. Жумладан, кечинма ва фикрни умумлаштиришда, ифодаланаётган фикрни аниқроқ чизишга, туйғу ифодалар тадрижга ҳам шароит яратади. Демак кўринадикки, мазкур муносабат турли воситалар, ракурс ва қирраларда намоён бўлади.

Аёл қалбининг синоатлари ҳақида сўз айтмаган мутафаккир йўқ. Заиф жуссаси билан тоғларни кўтаришга қодир бардоши минглаб тадқиқотларга мавзу бўлган. Бироқ ҳали-ҳамон аёл ботини, руҳияти сирлигича қолмоқда. Бу асрорга тўла мўъжизавий оламни тадқиқ қилмоққа бел боғлаган минглаб адиблар, мутафаккирлар, файласуфлар унинг айрим жиҳатларинигина очиб бера олган, холос.

Ёзувчилар ҳар бир асарини ҳудди ўз фарзандидек кўришади. Уларнинг ижод маҳсули уларнинг руҳий кечинмалари ва қайсидир маъноларда ҳаёт йўллари билан боғлиқ ҳисобланади. Биографик метод орқали таҳлил қилинганда, адибнинг ҳар бир асари ўзига хос яратилиш тарихига эга бўлади. Назар Эшонқул ўзи билан бўлган суҳбатларда унинг барча асарларидаги аёл образлари халқ ичидан олинганлиги ва уларнинг барчаси ҳаётий эканлигини бот-бот таъкидлайди.

Шубҳасиз, адиб асарларидан уфуриб турадиган содиқлик, вафо каби инжа туйғуларни тарғиб қилувчи ғоялари билан маълум ва машхурдир. Айнан шу жиҳатдан ҳам адабиёт ихлосмандлари қалбидан жой эгаллай

олади. Лекин бунинг учун адибдан кучли маҳорат, меҳнат ва самимият талаб этилади. Биз ўрганган қиссаларда айнан мана шу жиҳатларнинг ҳаммаси жамулжам.

Ҳозирги ноанъанавий қиссалар услубида жанр, сюжет, композиция, гап курилиши ҳақидаги назарий қарашларнинг парчаланганини кузатиш мумкин.

Қаҳрамон руҳиятида кечаётган ҳаёллар тўзонини бундан бошқача тарзда ҳам етказиш мумкин эди. Бироқ босиб ўтган йўлидан арзирли маъни тополмаган, ёшлик орзулари армонга айланган ва бундан кейин қандай яшаш ҳақида бош қотираётган, тинмай ўзлигини қидираётган инсон изтиробларини бундан бошқача тарзда тасвирлаш матн мазмунига путур етказар эди.

Назар Эшонқул ижодининг салмоқли қисми реализм усулида ёзилган асарлардир. Шунинг унутмаслигимиз лозимки, бизнинг ҳаётни қандай кўришни исташимиз романтизмга, ҳаётнинг бизга кўриниш жиҳати эса реализмга асос бўлади. Назар Эшонқул асарларда аёл образларининг прототиplarини турли хил таснифлаш мумкин. Масалан, унинг асарларида бева аёл образи мавжуд ёки туғмас аёллар образлари ва шунга ўхшаш. Бадиий асар қаҳрамони бир ёки бир неча прототипли бўлиши мумкин. Яъни ёзувчи бир неча кишиларда кўрган хислатларини бир образга бирлаштириши ҳам мумкин экан. Прототип билан бадиий образ орасидаги фарқ ҳар хил. Бу, асар жанри ва йўналиши, муаллифнинг индивидуаллиги билан боғлиқ.

Хусусан, Назар Эшонқул ҳам ўзининг бир қатор интервьюларида буларга кенг мисоллар келтириб, асарлари ва уларнинг прототиplarига тўхталиб ўтади. Прототипли образда ҳам муаллиф ҳаёт ҳодисаларини типиклаштириш ва умумлаштиришда бадиий тўқимадан фойдаланади. Бу эса унга ҳаётда ўзи кўрган-билган воқеа ҳодисалардан, реал шахс (прототип)лар ҳаёти фактларидан самарали фойдаланиб, ҳаққоний ва тўлақонли бадиий образлар яратиш имконини беради. Бадиий образ прототиplarи тадқиқотчиларни санъаткор ижодхонаси ва асарнинг яратилиши тарихи билан қизиқтиради. Бу ишда тадқиқотчидан ўзига хос назокат талаб этади.

Деярли ҳар бир адабий қаҳрамон ўзига хос прототипига эга – ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган одам. Баъзан бу муаллифнинг ўзи, баъзида тарихий шахсият, баъзан муаллифнинг қариндоши.

Назар Эшонкулнинг асарларида туғилиб-ўсган ҳудудига мос қарашлар, удумлар ва тилнинг шева кўринишлари тўла акс эттирилган. Айнан шу орқали ҳам биз унинг асарларининг бош қаҳрамонлари ҳаётининг прототипларга эга эканлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ҳар бир қалам соҳиби ўз устида ишлашдан тўхтаган куни табиий ҳолда фикрлашдан, янгиланишдан, бадиий ижоддан ҳам тўхтайдди. Назар Эшонкулнинг асарларида эса бунинг аксини кўришимиз мумкин. Адиб йилдан-йилга ўз устида ишлаб, жаҳон адабиётининг кўплаб ютуқларини ўрганиб келаётганлиги, унинг модернистик йўналишдаги асарларида яққол кўзга ташланади. Ўз ўрнида, адибнинг қалами йил сайин ғоявий-фалсафий жиҳатдан чарҳланган, дард кўлами кенгайиб, таъсирчанлиги ортиб, ўзининг жилосини тиниқлаштириб бормоқда. Унинг асарларида ижтимоий фалсафанинг ўсиб бориши, турли ракурслардан қаралганда ҳам унинг ўқувчилари сафи ортаётганлигини исбот этади. Мазкур ҳол қалам аҳлининг мақсад чўққисини доим оғритиб турган мақом ва муддаодир.

Биламизки, ҳар бир ёзувчи асарида ўз шахсиятининг асосий, муҳим қирралари объектив равишда майдонга чиқади. Назар Эшонкул насрида аёллар образи, уларнинг характерлари, психологияси, жамиятдаги ўрни ҳақида мулоҳазаларимиз кенгая-кенгая ғоявий-фалсафий хулосаларнинг бўртиқлашувига, ботиқлигига замин яратган.

Ёзувчининг ҳикоя ва қиссалари бошқа шу турдаги бадиий асарларга нисбатан самимий ва ҳаётга яқин қилиб яратилиши ушбу асарлардаги миллий руҳ талқини ва миллий, диний колоритга бойлиги билан боғлиқдир.

Назар Эшонкул маҳорати образ яратишда ҳам намоён бўлган. Табиатан эркак жинсига мансуб бўлатуриб, аёл кишининг ҳиссиётларини бу қадар адолатли ва ҳаққоний тасвирлаш учун кучли психологияга эга бўлиш, кўп йиллик тажриба ва албатта бадиий маҳорат лозим. Унинг ҳаёт борасидаги,

Ўзбек аёллари борасидаги фикрлари яратган образларга таъсирчан тарзда сингиб, уларни ҳаёт билан боғлайди.

Адиб қайси аёл образини тасвирламасин, энг аввало унинг руҳиятига назар ташлайди. Ташқи кўринишни тасвирлаш бирламчи эмасдек туюлади. Маҳоратининг юқорилиги шундаки, ҳар бир образ руҳияти унинг ташқи кўринишга албатта мос тушади.

Мусулмон оламида аёл хилқати қанчалик мўътабар, мукаррам кўрилмасин, ўзлигини, миллиятини таниган аёллар ўзини эркаклардан бир поғона бўлсада, паст тутди, қуйроқ кўради. Назар Эшонқулнинг ҳар бир асарида айнан мана шу мулоҳаза мавжуд. Аслини олганда эса муслима аёллар ушбу фазилати туфайли ҳам муқаддас ва мукаррамдир. Ёзувчи асарларида муслима аёл сийрати бўй кўрсатиб туради.

Аёл хилқати табиатан нозик, нафис қилиб яратилган. Унинг шахс эркинлиги туйғусини ифодалашда, халққа ўзлигини танитишда адабиётнинг роли ва ўрни бекиёсдир. Сўз санъатининг бетакрор салоҳияти ҳам шундаки, у айни шу даврдаги одамлар онги-шуурини, ҳаёт нафаси ва жамият эҳтиёжларини тасвирланаётган мазмунга сингдириб юборади. Шуниси муҳимки, аёллар образи ҳар доим тасвир объектига эзгулик, гўзаллик, адолат ва ҳоказо башарий қадриятлар асосида муносабат билдиради. Айнан ана шу моҳияти билан санъат асари умумбашарий мазмун касб этади. Бадий асарнинг боқий қадрият мақомига эга бўлиши, эъзоз-эҳтиром кўришининг боиси ҳам шунда.

Севимли ёзувчи, ўткир қалам соҳиби Назар Эшонқул умрини ижод йўлида сарф этган, жонини аямаган, ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўша олган ҳассос қалб эгаси, инжа адабий эстетик дид эгаси, забардаст сўз санъаткоридир. Адиб ҳар доим шу халқ ғами билан яшаб, она халқимизнинг ижтимоий ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисаларни зийраклик ила кузатиб, жараёнларга нисбатан ўзининг қалб кечинмаларини ижодий асарлари орқали сўзда ифода эта билган. Замондошлари, даврдошлари қалбини тинглай олган, истиқлолнинг эпкинларидан нафас олиб ҳам, уруш

йилларини маҳорат билан тасвирлай олган, ўша даврнинг ахлоқий қарашларини, таълимий таъкидларини, некбин мақсадларини куйлай олган катта қалбли инсондир.

Назар Эшонқул қаламига мансуб кўплаб насрий асарлар намуналари адабиёт ихлосмандларининг кўнгил хазинасига айланиб улгурган ва меҳр қозонишда давом этмоқда. Адибнинг ҳар бир асарида умуминсоний қадриятларга чақириқлар бор. Садоқат, меҳнатсеварлик, адолат, эзгулик, фидойилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, дўстлик, ҳақиқат ва адолат ғояларининг адиб қаламида тараннум этилгани фикримизга исботдир.

Назар Эшонқулнинг насрий йўналишда битилган асарларидаги аёллар образи ўзбек адабиётида ўзининг самимийлиги билан бошқалар ижодидан ажралиб туради. Адиб асарларини ўқиётган ҳар бир адабиёт ихлосманди унинг ҳар бир сатрида ҳаёт нафаси уфуриб тургани сабабли воқелик ва ҳаққоний тасвирларни юракдан ҳис қилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Қуръонов Д. Адабиётшуносликка кириш. [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz).
2. Эшонқул Н. «Бепоеён осмон». (Ҳикоя) [www.ziyouz.uz.com](http://www.ziyouz.uz.com)
3. Эшонқул Н. «Момоқўшиқ». (Қисса) [www.ziyouz.uz.com](http://www.ziyouz.uz.com)
4. Эшонқул Н. «Қултой». (Ҳикоя) [www.ziyouz.uz.com](http://www.ziyouz.uz.com) кутубхонаси
5. Эшонқул Н. «Уруш одамлари». (Қисса) [www.ziyouz.uz.com](http://www.ziyouz.uz.com) кутубхонаси
6. Эшонқул Н. «Шамолни тутиб бўлмайдилар». (Ҳикоя) [www.ziyouz.uz.com](http://www.ziyouz.uz.com)
7. [www.abt.uz](http://www.abt.uz)
8. [www.kh-davron.uz](http://www.kh-davron.uz) [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
9. [www.gov.uz.html](http://www.gov.uz.html)
10. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
11. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
12. [www.google.com](http://www.google.com)
13. [www.e-adabiyot.uz](http://www.e-adabiyot.uz)
14. [www.livelib.ru](http://www.livelib.ru)